



## ТИЛШУНОСЛИКДА ШАРТ МУНОСАБАТЛАРИ ИФОДАЛАНИШИНИ ҮРГАНИШГА ПРАГМАТИК ЁНДАШУВ

Минниқулов Ислом,  
ҮзДЖТУ ўқитувчisi,

**Калит сўзлар:** шарт маъно, прагматик маъно, прагматик функция, нутқ акти, шартли фикрлаш, имплицит ва эксплицит маъно.

Маълумки, жаҳон тилшунослигига шарт муносабатлари ифодаланиши турли нутқи назардан ўрганилган: синтактик, семантик, стилистик, прагматик ва бошқа ёндашувлар. Хусусан, мазкур мақолада муаммонинг прагматик нутқи назардан ўрганилиш асосларининг таҳлилига эътиборни қаратамиз.

Шарт муносабатлари ифодаланишининг прагматик хусусиятлари билан А. Athanasiadou ва R. Dirven каби хориж олимлари шуғулланган. Уларнинг қайд этишича, шарт муносабат билдирувчи гапларни прагматик нутқи назардан тўртта турга ажратиш мумкин: аниқловчи (*identifying*), хуласаловчи (*inferencing*), ижро этувчи (*performative*), метакоммуникатив (*metacommunicative*) [Athanasiadou ва бошқ., 1996, б. 99]. Хусусан, юқоридаги олимлар ижро этувчи (*performative*) ва метакоммуникатив (*metacommunicative*) турларини ўз ишларида тадқиқ этган бўлиб, ижро этувчи прагматик шарт гап (*performative conditionals*) эргаш гап қисми тушиб қолиш мумкин бўлган (*бош гапнинг маъносига таъсир қилмайди*) кўшма гапнинг бир қисмидир дея эътироф этади [Athanasiadou ва бошқ., 1996, б. 99]. Олимлар таъкидлашича, ижро этувчи прагматик шарт муносабат (*performative conditionals*) савол-жавоб конструкция (*question-response pair*), тахминий жавоб (*supposition-response pair*) ва тахминий илтимос (*supposition-request pair*) конструкциялари орқали ҳам ўз ифодасини топиши мумкин. Ижро этувчи прагматик шарт гап ва метакоммуникатив шарт гап функционал характеристга эга бўлиб, биринчи шарт гап нутқ акти аҳамиятли бўлган вазиятларга алоҳида урғу берса, иккинчи

шарт гап интерактив вазиятларда коммуникатив фаолиятнинг баъзи аспектлари учун аҳамиятли ҳисобланади [Athanasiadou ва бошқ., 1996, б. 103]. Уларнинг эътирофича, шарт муносабат ифодаловчи гапларнинг метакоммуникатив функциялари метапрагматик (*тўлақонли нутқ актига боғлиқ*), металингвистик (*нутқ актининг маълум аспекти нутқ актини ифодалаши боғлиқ*) ва рестриктив (чекловчи) (*нутқ актида ифодаланган имплицит маънени ифодалаши*) турларига эга [Athanasiadou ва бошқ., 1996, б. 103]. Шарт муносабат хеч қанақа маркерларсиз бош гап кўринишида ҳам ифодаланиши мумкин.

Яна бошқа хориж олимлари D. J. Hilton, J.F. Bonnefon шарт гапларни прагматик нутқи назардан таҳлил қилар экан, уларнинг қуйидаги прагматик хусусиятларига алоҳида эътибор қаратади: хуласа чиқарииш, бирор иш қилишига ундаш ва кўрсатма берииш ёки йўл-йўриқ кўрсатиш [Hilton ва бошқ., 2011, б. 1]. Шарт муносабат ифодаловчи гапларнинг прагматик аспектини таҳлил қилишда контекстнинг роли ва аҳамияти олимлар томонидан алоҳида эътироф этилади ва таъкидланадики, контекст сўзловчининг шарт муносабат билдиришдан кўзланган асл мақсадини аниқлаб беради [Hilton ва бошқ., 2011, б. 1]. Уларнинг тадқиқот натижаларига кўра, шарт муносабат ифодаловчи гапларнинг прагматик функцияси тингловчини сўзловчи ўйлагандек (хоҳлагандек) қарор қабул қилишга йўналтиришдан иборат [Hilton ва бошқ., 2011, б. 6]. Шарт маъно билдирувчи конструкциялар фақатгина шарт муносабат эмас, балки яширин прагматик маъно ҳам



билдириши мүмкін бўлиб, бундай прагматик маъно турлари фақатгина контекстда юзага чиқади.

Хориж олимлари M. D. Valina, G Seoane ва бошқ. ларнинг эътироф этишича, шарт муносабатли ҳукм чиқаришда прагматик омилларнинг роли ва аҳамияти катта [Valina ва бошқ., 1997, б. 1]. Уларнинг таъкидлашича, бош ва эргаш гап ўртасидаги муносабатларда ифодаланадиган эҳтимоллик реал ҳаётда ҳар кунги ҳаёт манзараларида ифодаланиши (*ҳар доим, баъзида ва камдан-кам*) мүмкін [Valina ва бошқ., 1997, б. 2]. Шарт муносабатлари реал ҳаётда тез-тез учровчи, кунлик ҳаётимиз билан боғлиқ ходисадир.

Хитой тилшунос-олимлари Hsun-Ming Hsu, Yu-Fang Wang ва бошқ. мандарин тилининг шарт маъно билдирувчи *yaoshi* ва *yaobushi* каби маркерларнинг семантик-прагматик хусусиятларини тадқиқ қиласди. Уларнинг фикрича, мазкур шарт муносабат билдирувчи маркерларнинг грамматик фарқлари нафақат шарт маъно ифодалашига, балки прагматик функцияларига ҳам таъсир этади [Hsun-Ming Hsu ва бошқ., 2015, б. 31]. Турли хил маркерлар шарт маъно билан бирга уларнинг прагматик хусусиятини ҳам акс эттириши потенциалига эга.

Шунингдек, А.А. Акопян (2011) шарт муносабатининг лингвистик ифодаланиш муаммолари билан шуғулланади ва асосан муаммони прагматик аспектда таҳлил қиласди. Бунда, у шарт маъно ифодаловчи маркерларни имплицит ва эксплицит турларга ажратиб ўрганади. Олим эътироф этишича, эксплицит маркерлар шарт маънодан ташқари қуидаги қўшимча маъноларни ҳам ифодалайди: аниқлик, чеклов, имконият, шанс, тахмин, ноаниқлик, интенсификация, таққослаш, танлов, инкор этиш, таъқиқ, хоҳиш-истак, пушаймон, стилистик бўёқдорлик. Бундан маълумки, шарт маъноли конструкциялар шарт муносабатдан ташқари, яширин прагматик маънолардан иборат бўлган ўз семантик майдонига эга.

Бундан ташқари, рус олими Н. Ю. Киселёва (2005) шарт муносабат ифодаловчи конструкциялар функцияларининг семантик-прагматик аспектини таҳлил қиласди. Унинг таъкидлашича, бундай конструкцияларнинг нутқда ишлатилишини таҳлил қилиш уларнинг семантик, прагматик ва коммуникатив хусусиятлари ва функцияларини таҳлил қилиш имконини беради. Олим эътироф этишича, шарт маъно ифодаловчи конструкцияларнинг прагматик аспекти муайян дискурс (нутқ акти ва шарт маъно ўртасидаги муносабатлар акс этадиган нутқий жараёнлар)да ўз аксини топади. Н. Ю. Киселёва қайд этишича, шарт маъно ифодаловчи конструкцияларда нутқ актининг ҳар хил турлари ифодаланиши мүмкін: савол, рағбатнинг турли кўринишлари (маслаҳат, илтимос, таклиф, тавсия, кўрсатма, буйруқ, таъзиқ, рухсат) ваъда, кўрқитиш. Дискурс шарт маънонинг турли аспектлари (прагматик, семантик, коммуникатив, функционал)ни очиб беришда аҳамиятладир.

Шу ўринда, қайд этиш жоизки, шарт маъно ифодаловчи гаплар маълум нутқ акти вазифасини ҳам бажаради ва уларнинг бундай хусусияти прагматик аспектда ўрганилади.

Хориж тилшунос-олимлари M. Mohammadi ва J. Fischerлар ўз тадқиқотида асосий эътиборни нутқ акти шарт гаплар тижорат соҳасида содир бўлувчи умумий (ҳа/йўқ) саволларга қай ҳолда билвосита жавоб бериш жараёнига қаратади [Mohammadi ва бошқ., 2018, б. 80]. Уларнинг таъкидлашича, агар сўзловчи қатъий талаблар кўйимаса, бундай шарт гаплар тижорат контекстидаги умумий саволларга муносаб жавоб бўла олади [Mohammadi ва бошқ., 2018, б. 80]. Бунда нутқ акти шарт муносабат гаплари берилган умумий саволга ҳа ёки йўқ деб тўғридан-тўғри жавоб бермасдан, ўша ҳа ёки йўқ жавобни имплицит тарзда ифодалайди, яъни, ҳа ёки йўқ жавобни берувчи имплекатурани ифодалайди [Mohammadi ва бошқ., 2018, б. 80]. M. Mohammadi, J. Fischerнинг қайд этишича,



нүтқ акти шарт муносабат гапларини Austin (1970)нинг “*there are biscuits on the sideboard if you want some* (агар хоҳлассангиз, ён панелда бисквит бор)” номли мисолига нисбатан бисквит шарт муносабат гаплари деб ҳам аташ мумкин. Шарт маъно билдирувчи конструкциялар *ҳа* ёки *йўқ* жавобни берувчи импликатуруни ифодалайди ва бунда муваффакиятли мулодотнинг мулойимлик тамойилига эришилади, яни саволга бевосита эмас, билвосита жавоб берилади.

Шунингдек, яна бир хориж олими A. Y. Richardшарт муносабат билдирувчи гапларни нутқ акт назарияси асосида таснифлаб чиқкан. Шарт маъно ифодаловчи фикрларни билдиришдан сўзловчининг кўзлаган мақсади фақатгина замон, майл ва бошқа бўлаклар каби ташқи формал элементлар орқали эмас, балки сўзловчининг нияти, ситуациян ва ижтимоий контекст ва шунингдек, лингвистик шакл орқали ўз ифодасини топиши олим томонидан алоҳида эътироф этилади [Richard, 1989,б. 29]. Олим эътироф этишича, нутқ акти назарияси шарт маъно билдирувчи гапларни шаклига кўра эмас, балки функциясига кўра таснифлаш имконини беради, чунки у тингловчига сўзловчининг кўзлаган мақсадини англашга ёрдам беради. Нутқ акти назариясига кўра, шарт муносабатли гапларнинг барчаси имплицит перформативлар бўлиб, улар фақат шарт маъно ифодалабни қолмасдан, имплицит тарзда қўйидаги функцияларни ҳам бажаради: тингловчини ишонтириш; бирор нарсага кучли ишонч билдириш; тингловчини манипуляция қилиш; насиҳат қилиш; танбех бериш; мулойимлик билан бирор нарса сўраш; ўзини оқлаш/ҳимоя қилиш; кимнидир масхара қилиш; нола (ҳасрат, шикоят) қилиш [Richard, 1989,б. 39]. Сўзловчининг шарт муносабат билдирувчи гаплардан юкоридаги

имплицит вазифаларни бажариш учун фойдаланишининг асосида прагматик сабаблар ётишига олим томонидан алоҳида ургу берилади [Richard, 1989,б. 39]. Шарт маъно ифодалашдан кўзланган мақсад лингвистик ва экстралингвистик омиллар орқали тўла намоён бўлади.

Немис тилшунос-олими M. Krifka бисквит шарт гапларни нутқ акти шарт муносабат гапларга тенглаштиради ва бисквит шарт гапларнинг икки турини фарқлайди: мувофиқлик шарт гаплари (*relevance conditionals*) ва нутқ акти шарт гаплари (*speech act conditionals*) [Krifka, 2017,б. 3]. Шунингдек, нутқ акти шарт гапларида ҳам бош гапдаги иш-харакат, эргаш гапдаги шартга боғлиқ бўлмайди ва бундай гаплар дискурс ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлади [Krifka, 2017,б. 3]. Бисквит шарт гапларда бош гапдаги иш-харакат эргаш гапдаги шартга боғлиқ бўлмайди.

Тадқиқотимиз натижасида қўйидаги хуносаларни шакллантириш мумкин:

а) шарт гапларининг нутқ акти вазифасини имплицит бажариш функцияси, шарт гапларни улар бажарадиган функциясига кўра таснифлаш, нутқ акти шарт гапларда бош гапдаги иш-харакатнинг эргаш гапдаги шартга боғлиқ бўлмаслиги, муваффакиятли мулодотнинг мулойимлик тамойилига асосланиши шарт муносабатларини ўрганишда нутқ акти ёндашувининг асосларини белгилайди;

б) коммуникатив актнинг муваффакиятли бўлишига ҳисса қўшиши, сўзловчининг коммуникатив мақсадини контекст ёрдамида аниқлаш, шарт маъно ифодаловчи маркерларнинг прагматик функциясини аниқлаш, шарт гапларнинг прагматик табиатини дискурс таҳлил методи орқали ифодалаш каби масалалар шарт муносабатларини ўрганишда прагматик ёндашув тамойилларини аниқлаб беради.

### Адабиётлар рўйхати

1. Angeliki A., Rene D. Pragmatic conditionals. Thessaloniki: Aristotle University, 1996.- Р. 99-108.



- 
2. Denis J. Hilton., Jean-François Bonnefon. Pragmatics at Work: Formulation and Interpretation of Conditional Instructions. Toulouse: Universite Toulouse, 2011.
  3. Dolores V.M., Gloria S., M. J. Ferraces, Montserrat M. Pragmatic factors in conditional reasoning with narrative texts//Nineteenth Annual Conference of the Cognitive Science Society. California: Stanford University, 1997.-9 p.
  4. Hsun-Ming Hsu, Yu-Fang Wang, Kai-Ming Hu. Direct and indirect conditionals: A corpus-based study of Chinese yaoshi and yaobushi in spoken and written discourse// Taiwan Journal of Linguistics, Vol. 13. 2, 2015.- P. 31-77.
  5. Manfred Krifka. Biscuit Conditionals as Anticipatory Speech Acts// Workshop “Biscuit Conditionals”. Universität Hamburg, 2017.-34 p.
  6. Maryam M, Judith F, Maurice L and Ralf K. Conveying the user’s intention by generating speech act conditionals as indirect answers// Proceedings of the 14th Conference on Natural Language Processing, Vienna: 2018.- P. 80-88.
  7. Richard A. Young. A classification of conditional sentences based on Speech Act Theory// Grace Theological Journal, Vol 10, Issue 1, 1989.-P. 29-49.

**Минникулов И. Прагматический подход к изучению выражения условностей в лингвистике.** В статье рассматриваются основы прагматического подхода к изучению выражения условных выражений в мировой лингвистике. В частности, в статье особо подчеркивается, что прагматический аспект условных предложений (прагматическая функция, значение и функция речевого акта) раскрывается в определенном контексте. Кроме того, особое внимание уделяется значению подхода дискурс-анализа для выявления прагматической функции условных маркеров и представления прагматических особенностей условных конструкций.

**Minnikulov I. Pragmatic approach to the study of the expression of conditionals in linguistics.** The article discusses the bases of the pragmatic approach to the study of the expression of conditionals in the world linguistics. In particular, in the article it is especially highlighted that the pragmatic aspect of conditional sentences (pragmatic function, meaning and speech act function) is revealed in a certain context. In addition, the significance of discourse analysis approach in identifying the pragmatic function of the conditional markers and representing the pragmatic features of conditional constructions is specifically emphasized.